Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 9 октябрь • № 40 (1061)

*Учрашув*

## ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**2015 йилнинг 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ҳамда республикамизга ташриф буюрган Туркманистон Республикаси делегацияси вакили – Туркманистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Нурмуҳаммад Аманнепесовларнинг учрашуви бўлиб ўтди.**



Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз тиббиёт тизимига қаратилаётган юксак эътибор туфайли, бугунги кунда давлатимиз миқёсида давр талабига жавоб бера оладиган шифо масканларининг қад кўтараётганлиги ва улар замонавий ноёб аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлигини таъкидлаб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошаётганлиги ва бу борада эришилаётган ютуқларни эътироф этди. Шунингдек, кўплаб давлатлар билан юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ҳамкорлик ишларига алоҳида тўхталиб, эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар ўз маҳсулини бераётганлигига ҳам эътибор қаратди. Жумладан, Туркманистон давлати билан ҳамдўстлик алоқалари изчиллик билан давом этаётганлиги, айниқса, мазкур ҳамкорлик доирасида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муайян ижобий натижалар ўз ифодасини топаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, икки томонлама соҳа мутахассислари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган миллий ва халқаро нуфузли анжуманларда ҳамда 2015 йилда 10 нафар ўзбекистонлик тиббиёт ходимининг Туркманистонда бўлиб ўтган форумда иштирок этганлигини тилга олди. Эътиборлиси шундаки, ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясида 3 нафар, Бухоро Давлат тиббиёт институтида 5 нафар туркманистонлик талаба таҳсил олмоқда. Бир нафар мутахассис клиник ординатура йўналишига қабул қилинганлигини Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов алоҳида таъкидлади.

Сўнгра, Туркманистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Нурмуҳаммад Аманнепесов ўз давлатида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятларга эътибор қаратиб, 1995 йилда қабул қилинган “Саломатлик” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ютуқлар ҳақида ахборот берди. У жорий йилда мазкур дастур натижаларига бағишланган конференция бўлиб ўтганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга Нурмуҳаммад Аманнепесов ислоҳотлар тўғрисида сўзлар экан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда илмий салоҳият йўлидаги тадқиқотлар изчил ривожланаётганлигини мамнунлик билан эътироф этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев мамлакатимиз тиббиёт тизимида охирги 15 йил давомида эришилган муваффақиятлар ҳамда истиқболдаги режаларга бағишланган тақдимотни ўтказди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов туркманистонлик ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорлик ришталарини давом эттириш истагини билдириб, Туркманистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига ўз ташаккурини билдирди.

Меҳмон ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига ташаккур изҳор этиб, Ўзбекистон тиббиётининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни борлигини алоҳида қайд этди. Ва бу борада тизим фаолиятида эришилаётган ютуқлар, айниқса, кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий салоҳият йўлидаги фаолиятларни Туркманистон Республикаси тиббиёт тизимида татбиқ этиш таклифини билдирди.

Учрашувдан сўнг Туркманистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Нурмуҳаммад Аманнепесов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ҳамроҳлигида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказига ташриф буюриб, даволаш муассасаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Ҳамкорликнинг яна бир эътиборли жиҳати, **2015 йил 8 октябрь куни** икки давлат соғлиқни сақлаш вазирлари ўртасида «2016-2018 йилларда соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳақидаги Ҳукуматлараро Дастур» имзоланди.

**Ибодат СОАТОВА.**

## КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАШ ВА ЭЪЗОЗЛАШ

### ўзбек халқига хос бўлган эзгу фазилатдир

**Инсон камолотида оиланинг ўрни ғоят катта. Чунки, биз ана шу мўъжаз макон, Ватанимиз ичра кичик гўша – оилада туғилиб, вояга етамиз. Жамият тараққиётига ҳисса қўша оладиган шахс сифатида шаклланамиз. Азиз макон сари ҳар лаҳзада талпинишимиз ҳам шундан. Бу маконнинг бағри иссиқ, меҳригиёси, одамни ўзига тортиб турувчи оҳанрабоси, қалбимизни равшан қилгувчи нурафшон зиёси бор.**

Бундан ҳам муҳимроғи эса, бизнинг ҳар бир қадамимизни жиддий назорат қилиб, хулқ-атворимизни одамийлик тарозиси ила ўлчаб, яхшиликларга йўллаб тургувчи ота-онамиз, бобо ва бувиларимизнинг меҳр-муҳаббати юқоридир. Асрлар давомида шаклланган оила қадрияти миллатимиз учун том маънодаги интеллектуал маънавий мероски, бу меросни ҳеч қандай моддият билан қиёслаб бўлмайди. Оиламиз фариштаси, хонадонимиз кўрки бўлган бобо ва момоларимиз, азиз бувижонларимиз қанотлари остида фарзандларимиз, ҳатто невараларимизнинг улғайиб, камол топишида, битта оила негизида шаклланган ибратга лойиқ шажаранинг юзага келишида жуда катта ҳикматлар мужассам. Бу ҳикматлар ана шу маънавий-ахлоқий тарбия макони – оиладаги тўкисликни бир хил мезонда ушлаб турувчи улуғ ёшдаги кексаларимизнинг ўзига хос ўзбекона тутумларида, оила аъзоларининг хулқ-атворидаги гўзал сифат ва фазилатларда намоёндир. Шунинг учун ҳам кексалар бор жойда файз ва барака бор. Ва муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидай: “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариялар – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси”дир.



Дарвоқе, қайсики хонадонда бобо ва момоларимиз бор экан, ўша хонадоннинг муҳити бошқача. Ўғил-қиз, невара-чевара,

**(Давоми 2-бетда).**

# КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАШ ВА ЭЪЗОЗЛАШ

## ўзбек халқига хос бўлган эзгу фазилатдир

ҳатто эваралар жамлигидаги бу катта хонадонда бирдамлик, жипслик, ўзаро меҳр-оқибат ҳукм суради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёши улуғ кишиларга эътибор, ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар замирида кекса авлод вакилларининг фидойиликлари мужассам.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонлар ҳамиша эътиборда, эъзозда. Кексаларимизнинг яхши дам олишлари, нуронийлик даврларини ҳузур-ҳаловатда ўтказишлари учун давлатимиз томонидан беқиёс ғамхўрликлар қилинмоқда. Хусусан, пенсия ва нафақаларнинг мунтасил ошиб бориши, кексаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатлигини тиклаш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 майда қабул қилинган "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада

(Давоми. Боши 1-бетда).

кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонга мувофиқ, улар йилига бир марта ўзлари учун маъқул бўлган даврда санаторий-соғломлаштириш муассасалари-да давлат хисобидан даволаниб, соғликларини мустаҳкамлашлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самараси ўларок, ўтган йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволаниб, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "...Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат ва эъзоз-эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўз ҳаётини, оиласини пиру бадавлат ота-оналар, бобо бувиларсиз тасаввур қила олмайдиган ўзбек халқи учун бу сўзларнинг аҳамияти ва қадри осмон қадар баландди".



Яқиндагина бўлиб ўтган Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ҳам бир гуруҳ ватандошларимиз, касб фидойилари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида тиббиёт илмига ҳисса қўшган ва ёш авлод камолоти йўлида намунали меҳнат қилаётган устоз-мураббийлар борлигини доимо эсимизда тутамиз. Тиббиётдек машаққатли касбда кўп йиллар ўқитувчилик қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган нуроний устозлар ҳамиша эъзозу ҳурматда. Уларни шогирдлари, ўқувчилари ҳамиша йўқлаб туришади.

**Зеро, бу муқаддас замин – Ўзбекистонда инсон азиздир. Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мададдир.**

Намоз ТОЛИПОВ.

*Тиббиёт кўргазмаси*

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР МАҲСУЛИ





**“Ўзэкспомарказ”да саккизинчи халқаро ихтисослашган “UzMedExpo – 2015” тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ва бошқа ташкилотлар кўмагида “IEG Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.**

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали тиббий кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида аҳолининг барча қатламлари малакали тиббий хизмат билан қамраб олинди. Ўтган йили 133 та тиббиёт муассасаси янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Гулистон шаҳридаги вилоят онкология диспансери, Тошкент шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Андижон кўптармоқли вилоят тиббиёт маркази, Нукус шаҳридаги силга қарши кураш диспансери шулар жумласидандир. Корея Республикаси билан ҳамкорликда энг юқори технологиялар асосидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган кўптармоқли замонавий болалар тиббиёт маркази барпо этилмоқда.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кекса авлод вакиллари, хусусан, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизмат сифатини янада ошириш, зарур дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш муҳимки, анъанавий “UzMedExpo” халқаро тиббиёт кўргазмаси соҳа мутахассисларини тиббий-илмий янгилик ва ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан таништириш, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда, – **дейди Франциянинг “TLV Healthcare” компанияси савдо менежери Стефан Угуэн.** – Мамлакатингиз бозори бизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда чет эллик тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилган. Компаниямиз тиббиётнинг барча йўналишларида фойдаланиладиган замонавий ёритиш мосламалари ҳамда техника ва технологияларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу кўргазма ўзбекистонлик тадбиркорлар билан фойдали мулоқот ўтказиш, бизнес шартномалари тузиш учун қулай имкониятдир.

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки йил сайин ортмоқда. “Intermed Innovation”, “Euro Hearing”, “Btl Medical Technologies”, “Ultrasound Scanner Technology Service”, “Premium Technics”, “Soyuz Orion Vostok”, “Zilola Medical”, “Madad”, “Ucd Micros”, “Shifo-Nur Servis”, “Le Asante Cosmetics” каби компаниялар шулар сирасидандир.

– Кўргазмада компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилаётган турли эшитиш мосламалари ҳамда эшитиш диагностикаси технологияларини намойиш этмиз, – **дейди пойтахтимизда фаолият юритаётган “Euro-Hearing” Ўзбекистон – Дания қўшма корхонаси бош директори Дониёр Қодиров.** – Маҳсулотларимизнинг сифати халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Асосий мақсадимиз мамлакатимизда яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришдир. Ушбу кўргазма маҳсулотларимизни истеъмолчиларга янада кенгроқ таништириш, шифокорлар ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилади.

“UzMedExpo – 2015” тиббиёт кўргазмасида Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Швеция, Франция, Россия, Туркия, Украина сингари давлатлардан ўнлаб корхона ва фирмалар иштирок этди. Кўргазма стендларида дори-дармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, табиий дорихона ва косметика маҳсулотлари, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жарроҳлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, минерал қўшимчалар ва витаминлар, замонавий техника ва технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, тиббиёт соҳаси учун махсус мебеллар намойиш этилди.

– Биз ушбу кўргазмада илк бор иштирок этяпмиз, – **дейди Хитойнинг “Sheng Chun Tang Pharmaceutical” компанияси савдо менежери Симон Ванг.** – Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан етакчи тиббиёт компания ва фирмаларидан вакиллар иштирок этаётган ушбу анжуманда маҳсулот ва хизматларни намойиш этиш, музокаралар ўтказиш ва шартномалар имзолаш учун барча шароит яратилган. Бу ерда флубипрофен, кетопрофен ва диклофенак натрий каби пластирларни таклиф этяпмиз. Улар бўғим ва мускул оғриқларини қолдириб, танадаги органларга ҳеч қандай зиён етказмайди. Кўргазма доирасида мамлакатимизнинг қатор тиббиёт муассасалари ва фармацевтика компаниялари фаолияти билан танишдик. Ўзбекистон аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш борасида ғоят салмоқли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдик.

**Халқаро кўргазма мамлакатимиз ва жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни намойиш этиши билан аҳамиятлидир. Бу тиббиётнинг барча йўналишларини янада ривожлантириш, соҳадаги талаб ва таклифларни ўрганиш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.**

**ЎзА.**




*Қашқадарё вилояти*

# СИФАТ ВА ТАЖРИБА – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

***Таъкидлашимиз муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон банкининг "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишнинг самарали моделини яратиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мазкур касалликларга бағишланган клиник протоколини Ўзбекистон шароитига мослаштириш жараёни бошлаб юборилди.***



Мамлакатимизда юқумсиз касалликларнинг олдини олиш мақсадида Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари-га қарашли бўлган Марғилон шаҳри, Ёзёвон тумани ҳамда Қарши шаҳри ва Қарши туманининг оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари тажриба майдони сифатида танлаб олинди. Газетамизнинг 38-39-сонларида жорий йилнинг сентябрь ойида мазкур касалликлар профилактикаси ҳамда бу касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига қарши кураш бўйича тадбирлар борасида Фарғона вилоятида бўлиб ўтган вилоят мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи фаолиятини таҳлил қилган эдик.

Бугунги сонда эса "Саломатлик-3" лойиҳаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг юқумсиз касалликлар профилактикаси бўйича, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш ва касб касалликлари кафедраси мутахассислари Қашқадарё вилоятида тажриба учун танлаб олинган Қарши шаҳридаги 6-сон оилавий поликлиника ҳамда Қарши туманидаги "Каманди", "Ўзбекистон мустақиллиги", "Қарши" қишлоқ врачлик пунктлари, Қарши шаҳридаги 34-сон ва Қарши туманидаги 4-сон умумтаълим мактабларида «Соғлом ҳаёт» дастури доирасида олиб борилган ишлар, шунингдек, Қашқадарё вилояти мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи йиғилишидаги иштирокчилар фикрлари билан танишасиз.

Аввало айтиб ўтиш жоизки, мазкур касалликлар доирасида (юрак қон-томир, саратон, қандли диабет, ўпканинг сурункали респиратор касалликлари) "Соғлом ҳаёт" дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 25 мартдаги 126-сонли буйруғига илова қилинган "Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари учун артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протоколлар"и юқорида тилга олинган тиббиёт муассасаларида татбиқ қилинаётганлиги юқумсиз касалликлар профилактикасига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт ассоциацияси молиявий ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ("Саломатлик-3") Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 7 сентябрдаги 1614-сон Қарорига мувофиқ республикамизда, жумладан, Қашқадарё вилоятида "Саломатлик-3" лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу дастурга асосан, вилоятдаги туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда оилавий поликлиникаларга беш йил давомида жами 12,8 млн. АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар келтирилиши режалаштирилган. Шунингдек, Дастур доирасида Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумсиз касалликлар профилактикаси ҳамда бу касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига қарши кураш бўйича тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.



**Жорий йилнинг 30 сентябрида** аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш бўйича Қашқадарё вилояти мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг "2015 йилда Қарши шаҳри ва Қарши тумани аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлар режаси" ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассиси Лазиз Холов, вилоят мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда республика ва вилоят "Саломатлик-3" лойиҳаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари иштирок этишди.

**Йиғилишни Лазиз Холов** кириш сўзи билан очиб, аввало, эзгу мақсадга хизмат қилувчи "Соғлом ҳаёт" дастурининг аҳоли саломатлигида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бу борада Қашқадарё вилояти тажриба учун танлаб олинганлигини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбариятига ўз миннатдорлигини билдирди. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларга уйғун тарзда дастур бўйича мутахассислар малакаси оширилганлиги, бунинг учун мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги асосида фаолиятлар йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2015 йил 29 августдаги 251-сон ва вилоят ҳокимлигининг 2015 йил 16 сентябрдаги Х-338/09-сон қарорларида 2015-2018 йиллар давомида тажриба сифатида танлаб олинган шаҳар ва туманларда

**(Давоми 4-бетда).**




# СИФАТ ВА ТАЖРИБА — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

**Марғуба РАСУЛОВА, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш ва касб касалликлари кафедраси" мудири, профессор:**

– Дарҳақиқат, юрак қон-томир, онкологик, ўпканинг сурункали респиратор, қандли диабет каби юқумсиз касалликлар дунё бўйича касалланиш ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабчисига айланмоқда десам, хато бўлмайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Мазкур касалликларнинг ривожланишига асосий сабаб нима? Юқумсиз касалликлар ривожланиши ҳолатларининг 60 фоизи турмуш тарзи нотўғри олиб борилиши, яъни мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик, ош тузини меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ва камҳаракатлилик, тамаки чекиш, ичкиликбозликка бориб тақалади. Ушбу хавф омиллари ортиқча вазн ва семизлик, юқори қон босими, қонда қанд ҳамда холестерин миқдори ошиб кетишига олиб келади.





ЖССТнинг маълумотларига кўра, хавф омилларини камайтириш натижасида юрак қон-томир касалликлари, қандли диабетнинг иккинчи тури ва нафас олиш аъзолари сурункали касалликларининг олдини олишга 70-80 фоиз ҳолатларда эришиш мумкин. Юқори қон босими – юрак ишемик касаллиги ва инсультнинг асосий хавф омилидир. Дунё миқёсида тахминан 380 миллион одам қандли диабетдан, уларнинг 90 фоизи эса қандли диабетнинг иккинчи туридан азият чекади. Ногиронликнинг асосий сабабчиларидан бири қандли диабет бўлиб, у юрак ишемик касаллиги ва миокард инфаркти ривожланишини икки мартага, буйрак касалликлари ривожланишини 17 мартага, оёқ гангренаси ривожланишини 20 мартага оширади. Қандли диабет билан оғриган беморларда кўрлик ҳолати, умумий аҳоли орасидаги кўрликка нисбатан 25 марта кўпроқ юзага келади. Демак, артериал гипертония ва қандли диабет иккинчи турининг ривожланишини эрта босқичларда аниқлаш, хавф омилларига эга бўлган шахсларга ёрдам бериш ҳамда уларни самарали даволаш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган ва катта маблағ талаб қилувчи асоратлар эҳтимолини 50 фоизга камайтиради. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ҳозирги кунда бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари учун артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протокол тажриба сифатида танлаб олинган оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида қўлланилмоқда.





Биз ушбу муассасаларда бўлиб, фаолият натижалари билан яқиндан танишдик. Оилавий поликлиника ва ҚВПларига мурожаат қилиб келаётган аҳолини фақат даволабгина қолмасдан юрак қон-томир, қандли диабет, буйрак касалликларининг олдини олиш мақсадида 40 ёшдан ошган барча аҳолининг рўйхати тузилиб, кундалик қатновда ва уйга патронаж қилинганда ёки бошқа масала юзасидан келганда, шахснинг қон босими, тана вазни индекси ва бел айланаси ўлчаниб, қонда қанд ва холестерин миқдори ва пешобдаги оқсил аниқланиб, тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бунинг баробарида шахслар хавф гуруҳига ажратилиб, улар билан биргаликда хавф омилларини камайтириш бўйича шахсий режа тузилади. Бунда тўғри овқатланиш, тана вазнини камайтириш, жисмоний фаоллик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик, спиртли ичимликларни ичмаслик ва уларнинг олдини олиш борасида маслаҳат ва тавсиялар бериб борилади. Кейинги натижалар эса ҳар мониторингда кўриб чиқилади.

Шунингдек, **Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси** ходимлари ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Умумий амалиёт шифокорларининг малакасини ошириш ва касб касалликлари кафедраси" мутахассислари томонидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда танлаб олинган оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг врач ва ҳамширалари қатнашдилар. Мутахассислар мазкур тиббиёт муассасаларида клиник протокол билан ишлаш бўйича фаолият юритаётган врач ва ҳамшираларга муҳим тавсия ва кўрсатмалар бериб ўтдилар.

**Яна шуни таъкидлаш жоизки, йиғилиш иштирокчилари Қарши туманидаги 4-сон умумтаълим мактабида бўлиб**, у ерда ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши, жисмоний фаоллиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириши учун шарт-шароит яратиш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан яқиндан танишиб чиқишди.

Ушбу умумтаълим мактабида «Соғлом ҳаёт» дастури доирасида олиб борилаётган ишлар билан газетамизнинг кейинги сонларида танишиб борасиз.

**Биз юқумсиз касалликлар, хавф омиллари ва туб сабабларини изоҳлаб ўтдик. Шундай экан, бу каби долзарб муаммоларнинг олдини олиш учун врач ва ҳамширалар клиник протокол асосида фаолият юритсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Умид қиламизки, бу каби жараёнлар республикамизнинг барча бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига кенг татбиқ этилади. Бу эса юқумсиз касалликлар ва уларнинг асоратларини олдини олиш ҳамда барвақт ўлим ҳолатлари камайишига пухта замин яратади.**

таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида, қолаверса, барча идора ва ташкилотларда соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, тамаки ва алкоголь маҳсулотларидан холи ҳудудларни ташкил этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш вазифаси муҳим эканлигини тилга олиб ўтди. **Республика "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш марказий бюроси координатори Шуҳрат Шукуров** "Соғлом ҳаёт" дастурининг мақсад ва моҳиятига тўхталиб, унинг замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги мужассамлигини таъкидлаб, ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда асосий мақсад юқумсиз касалликлар, айниқса, уларнинг хавф омилларини камайтириш, унга эришиш учун олдинда турган вазифалар ва кутилаётган натижалар – мақсадли индикаторлар ҳақида маълумот бериб ўтди.



**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг юқумсиз касалликлар профилактикаси бўйича мутахассиси Елена Цой** сўзга чиқиб, бугунги кунда дунё бўйича глобал муаммога айланаётган юқумсиз касалликлар туфайли аҳолининг анчагина қисми бу дарддан азият чекиб, ҳаётдан эрта кўз юмиш ҳолатлари кузатилаётганлигини ўз фикрларида баён этди. Юқумсиз касалликлар таркибига кирувчи хасталикларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига ҳам алоҳида урғу бериб, бу борада фаолиятлар изчиллигини ошириш зарурати мужимлигини мисоллар асосида изоҳлаб ўтди. Шу боис, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари учун артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протокол танлаб олинган оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларида татбиқ этилаётганлиги, унга кўра қирқ ёшдан ошган шахсларни юрак қон-томир, қандли диабет ва буйрак касалликларидан муҳофазалашга муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, **Республика "Саломатлик-3" лойиҳаси мутахассиси Феруза Маманазарова** умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсишлари учун "Соғлом ҳаёт" дастурини таълим масканларида татбиқ қилиш ўқувчи ёшлар орасида юқоридаги касалликларнинг олдини олишга мустаҳкам пойдевор яратишини таъкидлаб, ўз таклифларини берди.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

***Сегодня люди стали чаще задавать такие вопросы: почему повышенное кровяное давление стало больше выявляться у молодых людей? По какой причине, большее количество людей страдают от болезней сердца и хронических заболеваний органов дыхания? Почему участились случаи выявления сахарного диабета и раковых клеток у людей старше 40 лет. Что это за болезни и можно ли их предотвратить…***

***Экспертами всего мира упомянутые выше и другие незаразные заболевания объединены в группу неинфекционных заболеваний (НИЗ). В эту группу входят много состояний, однако сегодня выделены 4 основные категории НИЗ – сердечно-сосудистые заболевания, рак, хронические обструктивные заболевания легких и сахарный диабет.***




# ОБЪЕДИНЕНИЕ УСИЛИЙ В БОРЬБЕ С НЕИНФЕКЦИОННЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ В УЗБЕКИСТАНЕ

## *Примеры Кашкадарьинской и Ферганской областей*

Эти группы болезней являются основной причиной смертности во всем мире, так, например, в 2008 году из 57 миллионов случаев смерти во всем мире 63% (или 36 миллионов) произошли по причине неинфекционных заболеваний.

Более того, прогнозируется дальнейшее увеличение смертности от этих заболеваний в мире. При этом данная группа заболеваний влечет за собой растущую нагрузку на системы здравоохранения, наносит ущерб экономическому развитию и создает угрозу благополучию населения в возрасте 40 лет и старше. В старших возрастных группах НИЗ становятся ведущими причинами заболеваемости, инвалидности и смертности, и значительный рост потребностей в медицинской помощи, и расходов приходятся на эти возрастные категории. Затраты на борьбу с НИЗ и факторами риска составляют значительную долю внутреннего валового продукта каждой страны, при этом пациенты и их близкие тоже сталкиваются со значительными расходами на медикаменты, снижением доходов вследствие болезни, снижением производительности труда или преждевременным выходом на пенсию.

Итак, почему больше людей стали страдать неинфекционными заболеваниями? С развитием технологий, в том числе медицинских, люди стали жить дольше, больше становится людей старшего и пожилого возраста, у которых может быть, хотя бы одно хроническое заболевание. Вместе с тем, в условиях глобализации отмечаются значительные изменения образа жизни: население в целом стало намного меньше двигаться и заниматься физическим трудом, больше людей курят и употребляют алкогольные напитки, на прилавках стали чаще появляться нездоровые продукты питания с повышенным содержанием жира, сахара и соли, изменились привычки питания населения, включая пониженное употребление овощей и фруктов. Изменение образа жизни, в свою очередь, приводит к развитию таких состояний как повышенное содержание сахара и холестерина в крови, избыточная масса тела и ожирение, а далее к развитию неинфекционных заболеваний.

Вышеописанная картина становится характерной для всех стран мира, включая Узбекистан. В 2014 году было проведено исследование факторов риска НИЗ по всей республике среди населения в возрасте от 18 до 64 лет. Оно показало, что 89% населения Узбекистана в возрасте от 18 до 64 лет имеет один или более факторов риска неинфекционных заболеваний. На первый план вышли проблемы нездорового питания, недостаточной физической активности, а также пробелы со стороны системы здравоохранения по раннему выявлению и ведению таких состояний, как гипертония и сахарный диабет. Сегодня избыточным весом страдает около половины населения страны в этом возрасте (50,1%, включая ожирение у 20,1%). Повышенный уровень холестерина в крови отмечается у 46,3%. Почти у трети населения отмечается повышенное кровяное давление, а повышенный уровень глюкозы в крови натощак у 9,1%. Проблема потребления алкоголя и табака характерна преимущественно для мужской части населения (30,7% и 42,4% соответственно). Весьма настораживающим является тот факт, что пятая часть (20,1%) населения от 40 до 64 лет имеет высокий 10-летний риск развития сердечнососудистых заболеваний или уже имеет такое на момент исследования. Данный показатель указывает на высокую вероятность развития серьезных осложнений, таких как инфаркты миокарда, инсульты и заболевания почек в ближайшие 10 лет у данной группы населения.






По данным Всемирной организации здравоохранения, около 80% сердечно-сосудистых заболеваний, сахарного диабета 2 типа и 40% новообразований можно предотвратить. Принимая во внимание текущую тенденцию и возможность эффективной профилактики и борьбы с НИЗ, Правительство Республики Узбекистан уделяет большое внимание и предпринимает комплекс мер, направленных на профилактику и контроль неинфекционных заболеваний, создание условий в обществе для здорового образа жизни.

В 2015 году в рамках проекта «Здоровье-3» и при технической поддержке ВОЗ начата экспериментальная программа «Здоровая жизнь» предусматривающая комплексное внедрение эффективных мер по профилактике и борьбе с НИЗ в двух областях страны – Кашкадарьинской и Ферганской. Данная программа условно разделена на два важных компонента: повышение качества медицинской помощи и внедрение комплекса межсекторальных мер по борьбе с факторами риска НИЗ.



По первому компоненту выбраны 4 учреждения в каждой области: по три сельских врачебных пункта в Каршинском и Ёзъяванском районах, а также по одной городской поликлинике в городах Карши и Маргилане. Основные задачи данного компонента – снизить факторы риска и предотвратить развитие НИЗ у тех, у кого их нет, а также снизить риск тяжелых осложнений среди больных артериальной гипертонией и сахарным диабетом. Все врачи и медицинские сестры этих учреждений прошли обучение, и с октября 2015 года они начинают внедрение оценки сердечно-сосудистого риска среди всего прикрепленного населения в возрасте 40 лет и старше. Оценка сердечно-сосудистого риска согласно рекомендациям ВОЗ включает такие параметры как возраст, пол, курение (потребление любого вида табака), уровень давления, наличие сахарного диабета и уровень холестерина в крови. В зависимости от определенной степени риска, каждому жителю будет предоставлена соответствующая помощь и консультирование со стороны медицинских работников. Девиз данного эксперимента: "Каждый житель 40 лет и старше должен знать свой сердечно-сосудистый риск и разделять ответственность за свое здоровье вместе с медицинскими работниками!"

Задачей второго компонента экспериментального проекта является объединение усилий всех секторов (государственного, частного и гражданского) для создания поддерживающей среды для здорового образа жизни на уровне всего населения или для отдельных групп в пилотных районах двух областей.

В течение года в каждой области был создан Координационный совет под руководством заместителей хокимов области с участием представителей областных управлений здравоохранения, образования, внутренних дел, налогового комитета, а также с представителями основных неправительственных организаций, таких как фонд "Махалля", Комитет женщин, ОДМ "Камолот" и другие. В данный момент разработаны планы комплексных мер по внедрению инициатив здоровые города/села, здоровые школы, общественные места без табачного дыма, здоровое питание и продукты. Основные планируемые меры направлены на снижение таких факторов риска, как нездоровое питание – низкое потребление овощей и фруктов, повышенное потребление сахара, соли, жиров, малоподвижный образ жизни, потребление табака и алкоголя среди детей и взрослого населения.

В сентябре 2015 года представителями проекта «Здоровье-3» с участием сотрудника Представительства ВОЗ в Узбекистане была проведена базовая оценка пилотных медицинских учреждений и общеобразовательных школ. В ходе визита была оценена готовность учреждений к началу проекта, а также выявлены проблемы, на которые необходимо обратить особое внимание при внедрении мероприятий. Командой оценщиков были составлены рекомендации и предложения для дальнейшего улучшения на областном уровне, на уровне самих учреждений, для содействия со стороны проекта «Здоровье-3» и ВОЗ, а также проблемы, которые необходимо выносить для решения на республиканском уровне.

В ходе визита в каждую область были также проведены заседания Координационных советов, на которых решались вопросы планирования и распределения ответственности за внедрение межсекторальных мер в пилотных районах и городах.

Данный проект представляет отличную возможность для объединения усилий государственного и гражданского сектора как единого целого для решения проблем здоровья населения. Руководство Кашкадарьинской и Ферганской областей выразило интерес и готовность к внедрению данного проекта. Достигнутые результаты, примеры наилучшей практики и пути решения проблем в данных областях будут использоваться в будущем на уровне всей страны.

**Елена ЦОЙ, национальный сотрудник по профилактике неинфекционных заболеваний и укреплению системы здравоохранения Представительства ВОЗ в Узбекистане.**




## Таҳлил ва хулоса

***Хабарингиз бор, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тиббиёт муассасаларини замон талаби даражасида барпо этиш ва тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида Инвестиция дастури татбиқ қилиниб, ушбу дастур доирасида республикамиздаги кўпгина даволаш-профилактика муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмоқда. Аммо эришилаётган ижобий натижа ва ютуқлар билан бир қаторда, белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, мавжуд имкониятлардан мақсадли фойдаланиш борасида айрим камчиликлар борлиги аниқланмоқда ва ушбу ҳолатлар юзасидан қатъий назорат тадбирлари ва режали текширувлар ўтказилмоқда.***

# ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРМОҚ ЗАРУР

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш бюроси ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан жорий йилда еттита вилоятнинг кўп тармоқли тиббиёт марказлари (КТТМ), 64 туман тиббиёт бирлашмалари (ТТБ) ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида (КТМП) текширувлар олиб борилди. Текширувлар давомида асосий эътибор реконструкция, капитал таъмирлаш ва янги қурилиш ишлари амалга оширилаётган объектларда олиб борилаётган ишлар сифати, “Саломатлик-3” лойиҳасида олиб келинган тиббиёт асбоб-ускуналарини қабул қилиш ва мақсадли ишлатилиш ҳолати, шунингдек, вилоят КТТМларида ташкил этилган ўқув марказлари ва уларда тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларга қаратилиб, мавжуд ҳолатлар тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Даставвал вилоят КТТМларида “Ҳудудий ўқув маркази” ташкил этиш ва уларда тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 24 августдаги 35-сонли буйруғи ижроси ўрганиб чиқилди. Ўрганиш вақтида Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларида ўқув марказлари ташкил этилиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш режаси ишлаб чиқилган. Ташкил этилган ўқув марказларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Ўқув хоналари керакли ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва стимуляторлар билан жиҳозланган. Ўқув марказларига махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар бириктирилган. ТТБлари, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ходимларини жойларда ўқитиш бўйича ҳам вилоятнинг малакали ва бош мутахассислари бириктирилган, тегишли режа асосида иш олиб борилмоқда. Ўқув марказларида турли соҳалар бўйича сайёр цикллар (ультратовуш диагностикаси, эндоскопия, лаборатория диагностикаси ва ҳ.к.) ташкил этилган.

Жиззах ва Навоий вилоят КТТМларида ҳали капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, Сирдарё вилоятида эса шу кунга қадар ўқув хоналари ташкил этилмаган.

Биргина Самарқанд вилояти КТТМда қисқа муддат ичида 144 нафар врач-рентгенолог ва рентген-лаборантлар Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Жиззах вилоятлари учун тайёрланган бўлса-да, Сирдарё ва Жиззах вилояти КТТМларида ўқув хоналари учун хоналар ажратилмаган, масъул ходим тайёрланмаган ва бириктирилмаган, иш режалари мавжуд эмас ва деярли ҳозирги кунгача маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Аксарият вилоятларда даволаш-профилактика муассасаларини малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлашда муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Андижон, Навоий вилоятларининг айрим туманларида кадрлар масаласи долзарблигича қолмоқда. Асосан, анестезиолог-реаниматолог, акушер-гинеколог, педиатр, невролог, офтальмолог, функционал ва лаборатория диагностикаси бўйича мутахассислар, рентгенолог, УТТ диагностикаси бўйича мутахассисларга зарурат сезилмоқда. Бунинг натижасида “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида олиб келинган тиббий асбоб-ускуналардан (замонавий рентген, УТТ диагностикаси жиҳози, эндоскоплар, лабораторияда ишлатилувчи электрон анализаторлар, офтальмо/отоскоп, щелевая лампа, ауторефрактометрлар, ноинвазив мониторлар) тўлиқ фойдаланилмаслиги ҳолатлари учрамоқда.

Шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш йўналишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада қилинган ижобий ишлар билан бир қаторда ўз ечимини тополмаётган камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Масалан, Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида 2012-2013 йилларда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари ўрганилганда, янги қуриб битказилган поликлиника биносида олиб борилган қурилиш ва пардозлаш ишларининг сифати талаб даражасида эмас. Туғруқхона бўлими биносида ҳам шу каби камчиликлар мавжуд бўлиб, санитария ҳолати қониқарсиз, бино жорий таъмирлашга муҳтож ҳолга келган.

Наманган вилоятининг Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларидаги тиббиёт муассасаларида ҳам бир қатор муаммолар кузатилди. Чортоқ тумани марказий поликлиникаси биносида 2014 йил Инвестиция дастури асосида қайта таъмирланган хонада “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида келтирилган рентген ускунасини ўрнатиш талаблари бажарилмаган. Шунингдек, иситиш тармоғини таъмирлашдаги ишлар ушбу соҳадаги меъёрий қоидалар асосида амалга оширилмаган. Янгиқўрғон тумани юқумли касалликлар бўлими биносида олиб борилган капитал таъмирлаш ишларининг сифати қониқарсиз, ички ёнғинга қарши кураш жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмаган. Стерилизация бўлими поликлиника биносида ташкил этилган бўлиб, санитария меъёр ва қоидалари талабларига жавоб бермаслиги билан бир қаторда хоналар тор, айрим жиҳозларни (дистиллятор, стерилизатор) жойлаш имконияти йўқ.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани КТМП биносида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилаётган бўлса-да, “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида келтирилган рақамли рентген ускуналари учун ажратилган махсус хона зарур бўлган техник талабларга жавоб бермайди.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод ТТБда Инвестиция дастури асосида 2012 йилда КТМП, 2013 йилда эса 3 қаватли даволаш биноси ва 2014 йилда туғруқ комплекси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилган. 2015 йилда икки қаватли юқумли касалликлар бўлими, лаборатория, маъмурият, стерилизация, ошхона ва кирхона бинолари, тез тиббий ёрдам шахобчаси бинолари қайта қурилмоқда ва капитал таъмирланмоқда. Лекин 2012-2014 йиллар давомида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати устидан етарли назорат ўрнатилмагани оқибатида поликлиника, ШТЁБ ва терапия биноси, туғруқ комплексидаги ҳолатлар санитария меъёр ва қоидаларига мутлақо жавоб бермайди.

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ ТТБ Инвестиция дастури асосида янги қурилган поликлиника биноси, капитал таъмирдан чиқарилган ШТЁБ бинолари ҳам қайта реконструкция қилишга муҳтож. 2015 йилда янги қурилаётган уч қаватли терапия ва болалар бўлими биносида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам қурилиш меъёр ва қоидаларига (ҚМҚ) амал қилинмаган ҳолда олиб борилмоқда. Барча кўрсатилган камчиликлар ТТБ раҳбарлари, бош пудратчи ва буюртмачи хизмати техник назоратчиси иштирокида муҳокама қилинди.

Пастдарғом туман КТМП биноси капитал таъмирланиб, 2014 йилда топширилган бўлса-да, қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари устидан назорат ўрнатилмаганлиги сабабли бажарилган ишлар ўта сифатсизлиги кузатилди. Рентген ускунаси ўрнатилган хонада ҳам кўплаб камчиликлар мавжуд. 2014 йил капитал таъмирланиб ишга туширилган 3 қаватли қабул диагностикаси, ШТЁБ, туғруқхона комплекси биноларида ҳам олиб борилган ишлар талабга жавоб бермайди. Ушбу камчиликлар оқибатида бинонинг кузги-қишки мавсумга тайёрлиги шубҳа остида турибди.

Стерилизация бўлимига “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида олиб келинган 2 дона стерилизатор ва дистиллятор ўрнатилмаган ҳолда сақланмоқда.

Иштихон ва Жомбой ТТБлари тасарруфидаги айрим шифо масканларида ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган қатор камчиликлар мавжудлиги кузатилди.

Навоий вилояти Кармана ТТБда 2012 йилда қуриб ишга туширилган КТМП биносида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Хоналар етишмайди, ички ёнғинга қарши кураш мосламалари билан тўлиқ жиҳозланмаган, бино ичида сув таъминоти йўқ. Хоналарга ўрнатилган сантехник мосламалар ишламайди ва яроқсиз ҳолатда. Айни кунда туғруқ комплекси ва терапия бўлимлари бинолари капитал таъмирланмоқда. Афсуски, олиб борилаётган ишларнинг аксарияти сифатсиз. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур шифо масканида канализация тизими бир меъёрда ишлаши учун шифохона канализация тизимини шаҳарнинг марказий қисмига улаш мақсадга мувофиқ бўларди, тегишли мутасадди ходимлар эътиборсизлиги ва совуққонлиги натижасида бу ҳолат умуман эътиборга олинмаган.

Конимех ТТБда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса-да, кўплаб камчиликларга йўл қўйилган. Шу билан бирга, сантехника жиҳозлари, ички иситиш тармоқлари, сув таъминотидаги камчиликлар ҳам иш сифатига салбий таъсир этмоқда.

“Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида келтирилган тиббиёт ускуналарининг аксарият қисми ўрнатилмаган ёки мутахассис йўқлиги учун ишлатилмайди.

Худди шу каби камчиликлар Нурота ва Хатирчи ТТБдаги шифо масканларида аниқланди.

Фаолиятдаги муваффақият ҳам, камчилик ҳам ўзимизники. Бунинг учун мавжуд муаммоларни бартараф этишда ҳаммамиз бирдек масъул бўлиб, қуйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим.

Авваламбор, капитал таъмирлаш ёки реконструкция қилинувчи бинонинг мавжуд ҳолатини диққат билан ўрганиб чиқиш, бинонинг иситиш тизими, канализация тармоқлари, сув таъминоти ва электр таъминоти тизимларининг узлуксиз ва етарли қувватларда фаолият юритиши учун зарур бўлган ишлар турини ва ҳажмини аниқлашда ҳудуддаги мавжуд имкониятлар эътиборга олиниши жуда муҳим. Қўшимча бино ва иншоотларни (қозонхона, кирхона, ошхона, сув минораси, омборхона, автогараж, трансформатор станцияси ва ҳоказолар) соз ҳолатини таъминлаш ва мақбул ҳолда ишлашини таъминлаш масалалари ҳам диққат марказида бўлиши зарур.

Шу билан бирга, “Саломатлик-3” лойиҳаси асосида келтирилаётган рентген ускунаси хонасини қайтадан таъмирлаб, ушбу ускуна ишлаб чиқарувчиси томонидан қўйилган талаб ҳамда мавжуд санитария меъёр ва қоидалари асосида тайёрлаш масаласига жиддий ёндашилсагина кўзланган мақсадга эришилади.

Ундан ташқари, жуда катта миқдорда маблағ эвазига сотиб олинаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар омборларда ишлатилмай ётишига чек қўйиш, бунинг учун авваламбор тегишли мутасадди ходимлар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, мутахассислар тайёрлаш ва бўш турган иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўриш ҳар бир раҳбарнинг давлат, жамият, беморлар ва қолаверса, ўз виждони олдидаги вазифасидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигини янада мустаҳкамлашда давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, қолаверса ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашган ҳолда ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориш бугуннинг асосий мақсад ва вазифасига айланмоқда. Шундай экан, барчамиз юқорида таъкидлаб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф этишда фаол иштирок этишимиз зарур.

**Обуна – 2016**

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми бошланди.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

**«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.**
**Ижрочи директор вазифасини бажарувчи Р. МУХАМЕДИЯРОВА.**
**100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.**
**Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47. 268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz**
**Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Шуҳрат ШУКУРОВ тайёрлади.**
**Ибодат СОАТОВА олган суратлар.**

*Долзарб мавзу*

# АФСУС-НАДОМАТ ЧЕККАНДАН КЎРА...

***Шивалаб ёғаётган ёмғир шифохона деразасидан кўчага боқиб ўтирган Ноиланинг юрагини баттар эзади. Унинг йўловчиларга ҳаваси келади. Эрталаб севимли ишига, кечқурун оиласи бағрига шошилган одамдан бахтли инсон борми?!***

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га чалинган Ноила яқинларидан йироқда, дори ҳиди тутган хонада сўнги кунларини кутмоқда. У тошойнадаги сўлғин қиёфаси, салқиган рангпар юзи, маъносиз кўзларига қарар экан, ўзидан, қилган ишларидан нафратланиб кетди. Энди минг надомат чексин, деворга бошини урсин, бефойда. Ўйламай босилган қадам уни дунёнинг барча шодликларидан маҳрум қилди. Халқимиз "саёқ юрган таёқ ер" деб бекорга айтмас экан. Ноиланинг тунги сайрларга, айшу ишрат, бойликка муккасидан кетиши яхшиликка олиб келмади.

Мутахассисларнинг фикрича, ОИВ инфекцияси (одам иммунитет танқислиги вируси) инсонга уч хил йўл билан юқади. Биринчиси, парентерал йўл бўлиб, стерилланмаган тиббий ва маиший асбоблардан фойдаланиш оқибатида тери ва шиллиқ қаватининг шикастланиши туфайли юзага келади. Иккинчи йўли бетартиб жинсий ҳаёт бўлса, учинчиси ОИТСга чалинган ҳомиладор аёлдан вируснинг болага ўтишидир. Касалликда камқувватлик, иштаҳа пасайиши, кечалари терлаш, узоқ вақт сабабсиз тана ҳарорати кўтарилиши, лимфа тугунлари (жағ ости, қўлтиқ ости, чов ости безлар)нинг катталашуви кузатилади, терида тошма пайдо бўлиши мумкин.

– Касалликка чалинган бемор шифокор назоратида бўлиб, муолажаларни ўз вақтида олса, умри узайиши мумкин, – **дейди Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Нурмат Отабеков.** – Бир неча йилдан бери антиретровирус препаратлари (вирусга қарши дори)дан фойдаланамиз. Организмдаги лимфоцитлар (иммунитет ҳужайралари) сонига қараб дори тавсия этилади. Бугунги кунда бу дорилар юқори самара бермоқда.

ОИВ юқишининг олдини олиш учун никоҳланувчилар, ҳомиладор аёллар, фаолияти қон ва бошқа биологик суюқликлар билан боғлиқ тиббиёт ходимлари, меҳнат мигрантлари ҳамда донорлар мунтазам текширув остида бўлиши лозим. Касаллик қанча эрта аниқланса, шунча яхши. Ташхис қўйилгандан кейин бемор касалликни бошқаларга юқтиргани учун қонунда жиноий жавобгарлик белгилангани ҳақида огоҳлантирилади.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ОИВ инфекциясига қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Президентимиз томонидан 1991 йил 14 июнда "ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун имзоланган бўлса, 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор асосида ОИВга қарши курашишнинг самарали тизими шакллантирилди. 2013 йил 23 сентябрдан кучга кирган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистонда ушбу касалликнинг олдини олиш учун Республика ОИТСга қарши курашиш маркази ва 14 ҳудудий марказлар, 59 туманлараро ОИТС диагностика лабораторияси ҳамда 10 та республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари қошида лабораториялар ташкил этилган бўлиб, уларда ОИВга ташхис қўйиш, беморлар соғлигини мониторинг қилиш имконияти яратилган. Марказларнинг тиббий жиҳозлари жаҳон андозалари талабига тўлиқ жавоб беради.

Республика ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида турли маърифий тадбирлар уюштирилмоқда, ОИВ инфекцияси профилактикасига оид рисолалар, буклетлар, реклама роликлари тайёрланмоқда. "Саломатлигимиз ўз қўлимизда", "ОИВ/ОИТС инфекцияси тўғрисида биласизми?", "ОИТС – XI аср вабоси" каби бир қатор мавзуларда корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида мазкур касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши, унинг олдини олишга қаратилган суҳбатлар, учрашувлар ўтказилаётир.

Мамлакатимизда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини мувофиқлаштириш республика комиссияси томонидан чет давлатларда узоқ вақт бўлиб, юртимизга қайтган фуқароларни ОИВ инфекциясига текшириш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш тартиби жорий қилинган.

Бу ишлар самарасида мамлакатимизда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият барқарорлиги сақланмоқда ва касалланиш кўрсаткичи ҳар йили қарийб 5 фоизга камаймоқда.

Юртимизда ўз ақл-заковати, билим-салоҳияти билан кўплаб муваффақиятларга, юксак натижаларга эришаётган ёшлар бисёр. Аммо Ноила каби тўғри йўл туриб, эгри йўлга қадам босган, бунинг оқибатида афсус-надомат чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу бизни ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди.

– Қани энди вақтни ортга қайтариб бўлса. Ўзга юртларда бойлик топаман деб ор-номусимдан, соғлиғимдан, келажагимдан айрилдим, – дейди Ноила. – Қилган хатоларимни бошқа бирор киши такрорлашини истамасдим. Тунлари бутун танам қизиб, минг ўлиб, минг тирилaман. Бу оғриқлар, азоблар гуноҳларим жазосидек туюлади... Афсуски, кўзим кеч очилди...

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Фан уфқлари*

# ТУРЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ТЕСТ-ТИЗИМЛАРИ

***Вирусли ва бактериал инфекцияларнинг олдини олиш бугунги кунда дунё миқёсида долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. ОИВ инфекцияси, В, С гепатити ва бошқа вирусли инфекциялар инсон саломатлигига жиддий хавф солаётган хасталиклар сирасига киради. Масалан, айни пайтда дунё бўйича 150 миллионга яқин киши сурункали С гепатитини юқтирган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили ушбу касалликка чалиниш билан боғлиқ 4 миллион ҳолат қайд этилмоқда.***

Инсон саломатлиги учун хавфли бўлган мазкур инфекциялар асосан қон орқали юқади. Тиббий асбоб-ускуналарнинг яхши стерилизация қилинмаслиги ва текширилмаган дори-дармонлардан фойдаланиш касаллик юқтиришнинг кенг тарқалган йўлидир. Жумладан, сурункали С гепатити инфекцияси билан касалланган беморларнинг аксариятида жигар циррози ёки саратони ривожланади. Мамлакатимизда ушбу долзарб муаммони ҳал этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалиёт шуни кўрсатадики, касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш ва зарарланиш манбаларини аниқлаш инфекцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидандир.

Иммунофермент таҳлили бундай инфекцияларга ташхис қўйишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Инсон қонидаги антиген ёки антижисмлар сифатини лаборатория шароитида аниқлаш ва миқдорини ўлчашнинг иммунологик усули бўлган ушбу таҳлил ташхис тўплами ёки тест-тизимлар ёрдамида амалга оширилади. ОИВ инфекцияси, В, С гепатити ва инфекция қўзғатувчи бошқа вирусларни аниқлаш мақсадида мамлакатимиз аҳолиси иммунофермент тест-тизимлар ёрдамида текширувдан ўтказилмоқда. Чунончи, ҳомиладор аёллар, болалар, тиббиёт ходимлари, лаборатория хизмати мутахассислари ва касалликни юқтириш хавфи юқори бўлган гуруҳ вакиллари (донорлар, гемодиализ беморлар ва бошқалар) мажбурий ташхисдан ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарийб барча ташхис қўйиш лабораториялари иммунофермент таҳлил ўтказиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айни пайтда мамлакатимизда асосан, хориждан келтирилган тест-тизимлардан фойдаланилмоқда. Шу боис, юқори сифатли ва нархи арзон таҳлил воситаларини юртимизда ишлаб чиқариш ва ташхис қўйиш марказлари ҳамда қон қуйиш хизматларини ушбу воситалар билан таъминлаш аҳоли хавфли инфекциялар билан касалланишининг олдини олиш ва камайтиришнинг асосий омилларидан биридир.

Президентимизнинг 2009 йил 28 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида турли инфекцияларга қарши ИФТ тест-тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш Инвестиция дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда ОИВ, ТОРЧ инфекциялари, В ва С гепатитларини аниқлашда қўлланиладиган тест-тизимлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мазкур қарорга кўра, Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида юқорида келтирилган инфекциялар учун иммунофермент таҳлил тест-тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу қарорга биноан, ташхис қўйишнинг бундай тест-тизимларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш мақсадида институтнинг ишлаб чиқариш биноси реконструкция қилиниб, замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланди ва тест-тизимлари оммавий ишлаб чиқаришга тайёрланди. Айни пайтда тўрт турдаги ташхис қўйиш тест-тизимлари ишлаб чиқариш учун тайёр. Йилига ҳар бир тест-тизимнинг қарийб 30 минг тўпламини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу мамлакатимизнинг ушбу тест-тизимларга бўлган талабини қондириш ва хориждан келтириладиган ташхис қўйиш воситаларини харид қилишни камайтириш имконини беради. Ишлаб чиқилган тест-тизимлар қатор тиббиёт клиникалари, хусусан, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий-тадқиқот институти, Республика дерматология ва венерология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида синовдан ўтказилди. Клиник тадқиқотларнинг ижобий натижалари асосида ушбу тест-тизимлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасида рўйхатга олинди. Синовлар ўтказилгач, ушбу тест-тизимларни оммавий ишлаб чиқишга рухсат берувчи ҳужжатлар зарурий расмийлаштирилди. Юқорида қайд этилган тест-тизимлар тўплами касалликларга 96 турда ташхис қўйиш, жумладан, назорат намуналарини таҳлил қилишга мўлжалланган бўлиб, таҳлил ўтказиш учун керакли барча реагентларни ўз ичига олган. Институтимиз олимлари томонидан ишлаб чиқилган тест-тизимлар сифати жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бу тўпламлар нархи импорт тизимлардан ўртача икки баробар арзон. Иммунофермент таҳлил тест-тизимларининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти базасида оммавий ишлаб чиқарилиши мамлакатимизда ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлайди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси янги инновация ишланмаларини амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Институтимиз олимларининг жорий йилда ўтказилган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тақдим этилган ташхис қўйиш воситалари илмий жамоатчилик, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт муассасалари тизими мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Бугунги кунда олимларимиз ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни ва янги, самарали ташхис қўйиш тўпламларини яратишни давом эттирмоқда. Мазкур тўпламларнинг ҳаётга татбиқ этилиши таҳлил ўтказиш қийматини пасайтириб, уларни мамлакатимизда қўллаш кўламини кенгайтириш имконини беради. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари билан биргаликда маркетинг ишлари амалга оширилмоқда.

Юқумли касалликларга ташхис қўйиш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган юқори самарали инновация воситалари ушбу касалликларни дастлабки босқичда аниқлашга доир кенг кўламли профилактика ишларини ўтказиш ва бунинг самарасида мазкур хасталикларнинг сурункали босқичга ўтишининг олдини олишга ёрдам беради.

**Шаҳноз АЗИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти молекуляр генетика лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор,**
**Элвира ЮСУПОВА,**
**институт катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди.**

*Семинар*

# ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НАПРАВЛЕННАЯ НА РАСШИРЕНИЕ ЗНАНИЙ

**Испокон веков библиотека считается сокровищницей культурных ценностей человечества, очагом просветительства, располагающая огромными возможностями и обширной информацией.**

Если углубиться в историю возникновения библиотек, то из трудов ученых можно узнать, что произведения письменности уже собирали несколько тысяч лет назад. Руками писцов в специальных мастерских создавались книги. При проведении археологических раскопок были найдены клинописные таблички, на которых повествовалась информация об истории человечества. На стенах древних храмов в Египте были найдены записи, исполнявшие роль своеобразных каталогов, что уже говорит о том, что библиотечное дело было налажено очень давно. Как говорится, время не стоит на месте, с каждым днем в нашу жизнь входит огромное количество новой информации, проводятся научные исследования, создается новое, которое находит свое отражение в книгах. Поэтому до сих пор, библиотека считается самым излюбленным и посещаемым местом для людей, целью которых является пополнение своей копилки знаний.



Недавно, в Государственной научной медицинской библиотеке (ГНМБ) Министерства здравоохранения Республики Узбекистан прошел научно-практический семинар, посвященный 80-летию со дня создания библиотеки. На мероприятии участвовали: представители Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, ряд ученых представляющих медицинские учреждения страны, сотрудники библиотеки и представители из ее 12 филиалов, читатели, которые пользуются услугами данного учреждения.

Государственная научная медицинская библиотека Министерства здравоохранения Республики Узбекистан считается одним из самых ведущих мест просветительства, где мы можем найти любую интересующую нас медицинскую литературу. Это информационный центр, который располагает самыми передовыми технологиями. В информационно-библиотечном фонде имеется около миллиона экземпляров книг, научных изданий, авторефератов, кандидатских и докторских диссертаций и большое количество зарубежных изданий, как на бумажных, так и на электронных носителях. К тому же, фонд пополняется новейшей медицинской литературой как отечественных, так и зарубежных ученых. В данном учреждении имеется полное комплектование литературы. Фонд библиотеки, насчитывающий более 1 миллиона книг, периодически пополняется, вместе с изданиями на медицинскую тематику, библиотека хранит экземпляры кандидатских и докторских работ.

К тому же важно отметить, что среди книг имеются редкие издания "Канона врачебной науки" Ибн Сины на арабском языке и труды Гиппократа издания XVII-XIX веков, а также произведения И. М. Сеченова, Н. И. Пирогова, И. П. Павлова, Н. Ф. Филатова и других основоположников медицинской науки и здравоохранения. На сегодняшний день по всей нашей республике насчитывается более 250 тысяч пользователей библиотеки.

В своем выступлении директор ГНМБ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Фаина Болкунова, проинформировала участников семинара об истории создания библиотеки. Из ее увлекательного доклада слушатели подробно ознакомились с прошлым и настоящим библиотеки, с трудами тех людей, которые стояли у истоков создания, благодаря которым традиции библиотечного дела бережно хранятся и передаются из поколение в поколение.

В ходе семинара мы попросили участников поделиться своими мнениями о сегодняшней деятельности ГНМБ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

**Умида ТЕШАБОЕВА.**
**Заместитель директора Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои:**

– Государственная научная медицинская библиотека Министерства здравоохранения Республики Узбекистан – это богатейший источник медицинской литературы и информации предоставляемой для медицинских работников республики. На сегодняшний день это научно-информационный, библиографический и методический центр для сети медицинских библиотек и информационно-ресурсных центров Узбекистана. Наличие компьютерных и сетевых технологий, создание электронного каталога, автоматизация информационно-библиотечных процессов создает пользователям библиотеки условия для продуктивного пользования ее ресурсами.

Пользуясь случаем, хотелось бы поздравить сплоченный коллектив библиотеки с их праздником. Желаю им крепкого здоровья и больших профессиональных успехов.

**Феруза ХАЙДАРОВА.**
**Заместитель директора Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан:**

– Сегодня знаменательная дата – 80 лет Государственной научной медицинской библиотеке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Это большое событие не только для работников библиотеки, но и для нас – медицинских работников, потому что данное учреждение считается обителью ценных знаний, которыми должны обладать все представители этой сферы.

Я член библиотеки с 1984 года. И каждый раз, приходя сюда, меня очень радушно встречают ее работники. Они с большой ответственностью подходят к своему делу. Порой литературу, которую я искала, когда трудилась над кандидатской и докторской диссертациях в библиотеке не было. Но сотрудники библиотеки обязательно находили мне ее. И такое отношение к каждому читателю, ведь библиотека имеет свои традиции, которые бережно хранятся и передаются из рук в руки. Сегодня, когда в каждую сферу внедряются современные компьютерные технологии, деятельность библиотеки также невообразима без них.



Сейчас, благодаря локальной связи, идет тесный взаимообмен информацией между филиалами библиотеки в регионах страны. Удобно для читателей и то, что мы помимо самих книг, а это могут быть, и отечественные издания, и зарубежная литература, можем найти их электронные версии в библиотеке, что тоже способствует получению объемной информации.

**Наргиза ТАДЖИХАНОВА.**
**Заведующая филиала библиотеки ГНМБ МзРУз Ташкентской области:**

– Я веду свою деятельность в библиотеке с 1999 года. ГНМБ МзРУз будучи научно-информационным методическим центром является источником ценнейшей информации, которая необходима для медицинских работников нашей страны. С помощью библиотечного фонда они находят нужную информацию и используют ее в дальнейшей деятельности. Проведение сегодняшнего семинара очень важно для нас, ведь из него мы узнаем много интересного, что полезно для нашей деятельности. А самое главное идет обмен опытом. На данное мероприятие собрались сотрудники ГНМБ Мз РУз со всех ее 12 филиалов. Из их презентаций мы подробно знакомимся с делами, осуществляемыми в регионах. Пользуясь представленной мне возможностью, хочу поздравить всех сотрудников, Государственной научной медицинской библиотеки Министерства здравоохранения Республики Узбекистан с 80-летием со дня основания. Желаю им больших успехов и долгих лет жизни.



В ходе семинара участниками были продемонстрированы интересные презентации о деятельности филиалов. Было задано много интересующих вопросов, на которые участники получили исчерпывающие ответы. К тому же были поставлены цели и задачи на будущее. Несомненно, 80 лет – это большое событие. На протяжении этого долгого времени Государственная научная медицинская библиотека прошла большой путь. С каждым годом расширяя свой фонд, она стала одним из ведущих учреждений с современным механическим программным обеспечением. И на сегодняшний день, она является научно-информационным, библиографическим и методическим центром для сети медицинских библиотек и информационно-ресурсных центров Узбекистана, в котором успешно осуществляются дела по просвещению и расширению знаний медицинских работников страны.

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4378 нусха.
Буюртма Г-1058.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.